*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 128 (5419)
8 ИЮНЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# СОВЕТ—ТУНИС ДЎСТЛИГИ БАЙРАМИ

**Бугун Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида Ўзбекистон ССРда Тунис Республикаси кунлари тантанали равишда очилади.**

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

**Бугун Ўзбекистон пойтахтида очиладиган Тунис Республикаси кунлари программаси ранг-баранг. Бугун республикамизга ташриф буюрган Тунис Республикаси делегациясига Тунис шаҳри мэри, Социалистик Дустур партияси Сиёсий бюроси аъзоси Захария Бен Мустафо бошчилик қилмоқда. Делегация сафида Тунисниинг СССРдаги элчиси Муҳаммад Ҳабиб Гераб, Тунис — СССР ассоциацияси президенти Нуриддин Гленза ва бошқа тунислик таниқли жамоат арбоблари, миллий рақс ансамбли артистлари бор.**

Тунислик меҳмонлар Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш республика жамиятида бўлдилар. Улар республика меҳнаткашлари халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида эришган ютуқлари билан таништирилди.

Шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида ҳам бўлиб ўтди.

Кечқурун Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазмалар залида Тунис Республикаси миллий кийимлари кўргазмаси очилди. «Баҳор» концерт залида бўладиган Совет—Тунис дўстлиги кунлари очилиши ҳам тантанали ва байрамона вазиятда ўтади. Унда Тунис миллий рақс ансамбли артистлари катта концерт берадилар.

Тошкент билан ҳамдўстлашган Тунис шаҳри делегацияси аъзолари бу ердалик вақтида республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлари билан танишадилар. Тошкент метрополитенида, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида, республика Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ва бошқа жойларда бўладилар. Ўзбекистонда бошланган Тунис Республикаси кунлари қатнашчилари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг бугунги қиёфаси, тарихий-меъморчилик обидалари билан ҳам танишадилар.

Ўзбекистон ССРда ўтаётган Тунис Республикаси кунлари Совет ва Тунис халқлари дўстлиги йилномасига яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қўшилади. Ҳамдўстлашган Тошкент ва Тунис шаҳарларининг дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланади.

Тошкентликлар тунислик меҳмонларига «Хуш келибсиз!» дейишмоқда.

## Илмий-амалий конференция

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти КПСС тарихи кафедраси ташаббуси билан профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. У КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллигига бағишланди.

Конференцияда КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор Ж. Калимбетовнинг «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материаллари асосида ижтимоий кафедралар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни янада такомиллаштирайлик», тарих фанлари кандидати, доцент Л. С. Мамедованинг «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материаллари асосида буржуа фальсификаторларининг танқиди», тарих фанлари кандидати, доцент, Улуғ Ватан уруши ветерани, запасдаги полковник А. Мамажоновнинг «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва студент-ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда ўқитувчи Г. Ғозневанинг «Партиянинг июнь Пленуми ва оммавий-сиёсий ўқиш тармоқларини ривожлантирайлик» каби мавзуларидаги мазмунли докладлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари ўз олдиларида турган навбатдаги вазифаларни белгилаб олишди.

С. РИЗАЕВ.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига кирган бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий йиғилишига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қилди. Совет Иттифоқининг қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, уларнинг социалистик ишлаб чиқариш усулига мустаҳкам асосда ўтишини муттасил юксалтириш ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий кудратини ошириш манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис фойдаланиш вазифаларини ҳал этишдаги ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини кучайтириш йўллари белгиланди.

Сиёсий бюро халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқаришни ички тармоқ кооперациясини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан ҳамда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг министрликлари ва корхоналари ўртасидаги бевосита алоқаларни такомиллаштириш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиқан тадбирларни маъқуллади.

РСФСР Министрлар Советининг, министрликлар ва идоралларнинг иқтисодий эксперимент тариқасида «Кубань» агросаноат комбинатини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларини қабул этилди. Краснодар ўлкасининг Тимашевский районида ўтказиладиган бу экспериментдан кузатилган асосий мақсад юқорги замон техникаси ва технологияси негизида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳамда юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш-иқтисодий комплексини вужудга келтиришдан иборат. Комбинат составига совхозлар, колхозлар ва бошқа кооператив бирлашмалар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ташкилотлар, қайта ишлаш саноатининг корхоналари, шунингдек илмий-текшириш институтлари ва конструкторлик бюролари киритилади.

Агросаноат кооперацияси асосида зарур молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи қоплаш негизида иш кўрувчи комбинат қўлида марказлаштириш белгиланмоқда. Мажлисда уқтириб ўтилганидек, бу нарса илғор технологиядан фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини самарали ўзлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг янги формаларини жорий қилиш, меҳнат коллективларининг ташаббусини ривожлантириш ҳамда пировард ишлаб чиқариш ва иқтисодий натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш йўлида кенг имкониятларни таъминлашга йўл очади.

Сиёсий бюронинг мажлисида Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан ишлаб чиқилган ва Ашхобод шаҳар хўжалигини 1985—1990 йилларда янада ривожлантиришни кўзда тутадиган тадбирлар муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида шаҳарнинг қурилиш индустрияси базасини анча мустаҳкамлаш, уй-жой бинолари, маориф, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ, коммунал хўжалиги объектлари қурилишини жадаллаштириш, аҳолига транспорт хизмати, маиший ва маданий хизматни яхшилаш белгиланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўртоқ К. У. Черненко ва бошқа совет раҳбарларининг Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Н. Чаушеску билан музокаралари якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади, шу музокаралар чоғида КПСС билан РКП ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришнинг, Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушнинг турли соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим проблемалари, шунингдек халқаро сиёсатнинг баъзи актуал масалалари муҳокама қилинди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг Москвада Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков билан ўтказган учрашуви якунлари маъқулланди. Дўстлик ва чуқур ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим принципиал аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўртоқ А. А. Громикониинг Австралия ташқи ишлар министри У. Хэйден билан музокаралари тўғрисидаги ахборотини, шунингдек ўртоқ Э. А. Шеварднадзенинг Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги Ташкилотининг Жазоирда бўлиб ўтган VI конгресси ишида совет делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахборотини тинглаб маъқуллади.

Сиёсий бюро мажлисида партиямиз иқтисодий ва социал сиёсатининг, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг, КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсий йўлини амалга оширишнинг бошқа бир қанча масалалари кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми илмий адабиёт чиқаришни ташкил этишдаги хизматлари ҳамда матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг директори ўртоқ Ҳабибулла Бектемировга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил ишлаганлиги, республика минерал хом ашё базасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганлиги учун ҳамда тугилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Ташкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ўртоқ Ғани Абдурахмоновни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## Билим юртига ВЦСПС дипломи топширилди

**Кеча тўқимачилар маданият саройида 1983 йилда ўқув-тарбиявий ишларда эришган муваффақиятлари учун 5-техника билим юртига ВЦСПС дипломининг топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Коллективга юксак мукофотни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров топширди.**

Республика Енгил саноат министрлигининг тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари учун кадрлар тайёрловчи 5-техника билим юрти қаторасига уч йилдан бери юксак мукофотларга сазовор бўлмоқда.

Коллективга 1981 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, 1982 йилда СССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети, ССР Енгил саноат министрлиги ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг III даражали дипломи топширилган эди. Мана бу йил билим юрти ВЦСПС дипломига сазовор бўлди.

Ушбу билим юрти ўзининг 39 йиллик фаолияти давомида тикувчилик саноати учун 16 мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб етиштирди.

Бу йил 450 нафар битирувчи устки кийим, болалар енгил кўйлакларини тикиш бўйича тикувчи-мотористкалик дипломи билан ўн биринчи беш йиллик планларининг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшиш учун шаҳар корхоналарига ишга келадилар. Уларнинг ўрнига синф хоналари ва устахоналарга шаҳар халқ хўжалиги учун зарур бўлган ихтисосликни эгаллаш учун бошқа ёшлар нелишади. Улар яна бир янги ихтисосликни — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бригадасини тайёрлаш бўйича тикувчи-моторис т к алик ихтисослигини эгаллашлари мумкин.

Билим юртида ёшларнинг шуғулланиши учун аъло даражада жиҳозланган 7 та устахона, ўқув кабинетлари мавжуд. Улар билан СССР ва Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими аълочиси Клавдия Кириловна Свинолупова, Ўзбекистон ССРга хизмат кўрсатган ўқитувчи Екатерина Серафимовна Глушченко каби юқори малакали мутахассислар машғулотларни олиб боришади.

*Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

## БАРЧАНИНГ КУЧ-ҒАЙРАТИ БИЛАН

Кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борди. Мажлисда муҳим масалалар, шу жумладан шаҳар хўжалигини социал-иқтисодий ривожлантириш плани ва 1984 йилнинг январь-май ойларида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари тингланди.

Мажлисда шаҳар хўжалигини социал-иқтисодий ривожлантириш план ва мажбуриятлари муваффақиятли бажарилаётганлиги таъкидланди. Бу муваффақиятлар социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги туфайли, барча коллективларнинг куч-ғайрати билан қўлга киритилди. Эндиги вазифа қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, янада юқори натижаларга эришишдан иборат.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида, шунингдек «Главташкентстрой» бўлинмаларида план интизомини мустаҳкамлаш ва сотлиқни сақлаш объектларининг қурилишига ажратилган капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мактаблар қурилиши ва уларни янги ўқув йилига тайёрлашнинг боришн ҳақидаги масалалар тингланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ—РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИГА*

## 2. ДАЛАДАН—МАГАЗИНГА





**Калинин районидаги Партия XXI съезди номидаги совхоз меҳнатчиларининг иш куни эрта бошланади. Тонг-отардаёқ далаларда сабзавот терими қизғин авж олиб кетади. Зеро, пишиб етилган маҳсулот шу куннинг ўзида шаҳар магазинларида бўлишига эришмоқ даркор.**

**Турдибой Исматхонов бошчилигидаги бригада аъзолари алоҳида зўр кайфият билан ишлашяпти. Коллектив Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган бўлиб, ўз аҳдининг устидан чиқишга интиляпти. Баҳорги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай яхши ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа уни тез ва исрофгарчиликсиз йиғиштириб олишдан иборат.**

**Партия XXI съезди номидаги совхознинг 2-бўлимн ҳозиргача шаҳар савдо тармоқларига 200 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулоти жўнатди. Т. Исматхонов бригадаси ана шу бўлим таркибига киради. Ҳосил йиғим-терими суръати кун сайин ўсяпти. Бу ерда карам билан бир қаторда кўк пиёз, саримсоқ пиёз, бодринг териляпти. Яқин кунларда давлатга помидор топшириш бошланади.**

— Бундай шароитда хўжаликнинг ҳар бир меҳнатчиси жонбозлик кўрсатиши, резервлардан унумли фойдаланиши, агротехника қоидаларига қатъий риоя этиши талаб этилади, — дейди совхоз директори Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. Мелибоева. —Коллектив ўз олдига қўйилган вазифалар: тошкентликларни сархил сабзавот билан таъминлаш, дала неъматларини тез ва исрофгарчиликсиз териб олишни уддалаш учун барча ишларни қиляпти.

Электрон-техника заводи территориясида жойлашган магазинда бўлганимизда деҳқонларнинг сўзлари ишларига ҳамоҳанг эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Партия XXI съезди номли совхозда етиштирилган сабзавотларни корхона меҳнатчилари қувонч билан харид этишаётган эди. Улар смена тугагандан кейин пиёз, картошка, карам, бодринг, саримсоқ пиёз, лавлаги, сабзини харид қила оладилар.

— Охирги марта қачон бозорга борганимизни ҳам унутаёздик, — дейди завод ишчиси Р. Шахобутдинова. — Бизнинг сабзавот магазинимиздан рўзғор учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йил бўйи харид қилиш мумкин. Масалан, ўтган қишда бу ерда олма, нок, анор, картошка ва бошқа дала неъматларини мунтазам сотишди.

— Бизни дала меҳнатчилари турли неъматлар билан таъминлашаётганидан, «Ташплодоовощ» бирлашмасининг Ленин районидаги улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 20-магазин ходимлари хизматидан мамнунмиз, — дейди корхона катта инженери В. Алнкперова.

Шаҳримизнинг Ленин районидаги кўпгина саноат корхоналари билан пойтахт областининг Калинин районидаги хўжаликларининг дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаш лозим. Қишлоқдан турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериляпти. Ўз навбатида ишчи ва хизматчилар хўжаликларига сабзавот, меваларни йиғиб олишда кўмаклашишяпти. Айни пайтда пахта йиғим-теримида, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда ёрдам кўрсатиляпти, зарур эҳтиёт қисмлар, жиҳозлар ажратиляпти.

Бу йил Калининн районидаги 12 колхоз ва совхоз Ленин районидаги 18 та саноат корхонаси коллективига дала неъматларини бевосита етказиб беришни ташкил этишга аҳд қилган. Ана шу муҳим йўналишдаги дастлабки қадамлар қўйилди.

А. ХАТАМОВ.

Т. Каримов фотолари.





* * *

СУРАТЛАРДА: «Яшил конвейер» амалда — Партия XXI съезди номидаги совхоздан электрон-техника заводи сабзавот магазинига маҳсулот етказиб бериляпти.

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

*Бугун Тошкентда:*

«Узгоскомсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика заводида олимларнинг тавсиясига кўра ерни тажриба тариқасида ҳайдайдиган янги механизмнинг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди. Мутахассисларнинг тавсиясича, ҳар икки-уч йилда ерни чуқур кавлаш пахта ҳосилдорлигини оширши имконини берар экан, бундан ташқари корхонада канон ўрадиган машиналарнинг тажриба нусхалари ҳам тайёрланмоқда. Янги маҳсулотнинг 50 таси бу йил деҳқонларга юборилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 25 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундуз да ҳаво булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14—19, кундузи 29—34 даража иссиқ бўлади.

*Анъанавий пушкинхонлик кунлари*

## Рус диёрининг даҳосига бағишлаб

Союзлар уйининг Колонналар залида 6 июнь куни бўлиб ўтган тантанали кеча улуғ А. С. Пушкинга бағишланди. Совет ёзувчилари, олимлари, санъат усталари, Пушкинга бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган чет эллик адиблар шоир таваллудининг 185 йиллигини нишонлаш мақсадида бу ерга йиғилдилар. Мамлакатимизда жаҳон маданиятининг даҳоси Пушкин яшаган ва ижод қилган жойларда унга бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

— Пушкин улуғ рус халқи сингари буюкдир, — деди кечани оча туриб, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ленин мукофотининг лауреати шоир Егор Исаев. У рус тили эртаклари, афсоналари, мақол ва маталларидаги заковат сингари, ўзининг энг юксак биринчи ёзма асари — «Игорь полки ҳақида қисса» сингари буюк ва абадийдир. Пушкин — халқ характери, унинг ғайрат-шижоати, унинг истиқболидир. У нафас олиб турган ҳаво, унинг осмони ва қуёшидир. Бизлар Пушкинни шундай деб биламиз. Уни жонажон Ватанга қалбининг энг гўзал туйғуларини бағишлаган кўпдан кўп авлод шундай деб билади.

РСФСР Давлат мукофотининг лауреати шоир Сергей Смирнов кеча қатнашчиларини таништириб, бу йил Пушкинга бағишланган тантаналар гениал сўз устасига ҳурмат-эҳтиром ва меҳр-муҳаббат белгиси бўлди, деди.

— Биз учун мардлик, ҳалоллик ва Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат каби тушунчалар Пушкин номи билан боғланган, — деди никарагуалик ёш шоир Марио Кальдера.

Кечада кўпгина шаҳарлар ва иттифоқдош республикалар адабий жамоатчилиги вакиллари сўзга чиқдилар. А. С. Пушкин асарлари, унга бағишланган шеърлар ўқилди.

(ТАСС).

МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТИНГ

# КЎНГИЛЧАНЛИК—ОДАМИЙЛИК

Автобус бекатга етмай тўхтади. Ҳайдовчи, ёш ва хушрўйгина йигит, болалик аёлнинг илтимоси билан бекат кўрсатилмаган жойда тўхтади-ю балога қолди. Энг сабрсиз йўловчилардан бири ҳали аёл эшикдан тушиб улгурмай ҳайдовчини тартибга чақириб қўйди:

— Бунақада уйга қачон етамиз, оғайни?..

Ҳайдовчи индамай йўлга қараб борарди. Нима ҳам десин. Бир йўловчининг ҳожатини чиқараман деб бошқасидан дакки эшитди. Кимдир орага тушиб уни оқламоқчи бўлди. Лекин овози жуда заиф экан ҳеч ким эътибор бермади. Кўнгилчан бўлса керак. Кўнгилчан одамлар товушини кўтариб гапиришмайди. Кўнгилчан одам бировга яхшилик қилиб, ўзи гап эшитиб юради. Кўнгилчанлик нима ўзи?

Мана ўн йил бўлди у автобус минади. Кунига икки мингга яқин йўловчини манзилига элтиб қўяди. Эрталаб ишга, оқшом уйларига ташийди. Йўловчилар ҳалол одамлар. Автобусга чиқибоқ чўнтак кавлашга тушишади. Аммо айрим зиқналар ҳам йўқ эмас. Биттаси бор. Салом бериб чиқиб, қуюқ хайрлашиб кетаверади, лекин билет олмайди. Олгиси келмайди. Унга танбеҳ бериб қўймоқчи бўлса ҳар сафар нимадир тўсқинлик қилаверади. Кўнгилчанлик ҳам нуқсон шекилли. Кўнгилчанлик нима ўзи?

**Ҳурматли оқшомхон эътирозга шошилмай турса. Айтайлик, мана бундай эътирозга: шаҳримизда транспорт масаласи жуда мақтаса арзигудек соз эмас-ку. Ҳайдовчига бунча илтифотнинг боиси нима?**

Ҳақ гап. Транспорт хизмати масаласи шаҳримизда узил-кесил яхши йўлга қўйилмаган ҳали. Лекин бариби мен оқшомхонларни бир фидойи ҳайдовчи билан таништириб қўймоқчиман. Агар ҳамма ҳайдовчи мана шу йигитдек ўз касбига меҳр қўйиб, йўловчига холис хизматда бўлганида аллақачон бекатда соатлаб машина кутишлар, қатнов графикларининг бузилиши ҳолларига чек қўйилган бўлар эди.

Шундай қилиб, танишинг: Шариф Тўлаганов, 36-маршрут ҳайдовчиси. Ойлик план-топшириқларини 110—115 процент қилиб адо этиб келади. Энг муҳими, йўловчига муомаласи самимий, хизматига муносабати ҳалол ҳайдовчи.

Нима учун ҳайдовчи кабинасига микрофон ўрнатилгани ҳаммага маълум. Ҳайдовчи ўша микрофон орқали бекатларнинг номини эълон қилиб бориши керак. Биз ҳикоя қилаётган маршрутдаги автобуслар бундан истисно. 3-автобус паркидаги 18 та маршрут бўйлаб қатнайдиган ПАЗ—672 маркали автобусларда микрофон йўқ. Аммо айрим ҳайдовчилар микрофонсиз ҳам билет олинг деб йўл кетгунча жар солиб бораверади. Овоздан бор-да, инсоф эса йўқ. Бекатларда фақат олд эшикни очиб тиржайиб туришади. Йўловчи, айниқса ишдан ҳориб қайтиб келаётган йўловчи учун шунинг ўзи етарли. Менимча транспорт хизматидан шикоятларнинг ҳаммаси шу бир қарашда арзимасдек бўлиб туюлган асаббузарликдан бошланади.

Бу ҳақда Тўлагановнинг фикрини билмоқчи бўлгандим, у кулиб қўяқолди. Ҳамкасбларининг айрим камчиликларини билса ҳам айтгиси келмади. Яна кўнгилчанлик қилди, шекилли. Лекин йўловчига эътирозларини айтди:

— Оддий бир нарсага эътиборингизни тортмоқчиман. Ҳамма автобусларнинг эшиги тепасига ёзиб қўйилган бир ёзув бор. Агар ўша ёзувга амал қилинса автобуснинг орқа эшигидан кириб, олдидан тушилади. Йўловчилар нимагадир бунга амал қилмайди. Гапирсангиз жаҳли чиқади. Корхонамиздаги автобуслар бир йилда Тошкент аҳолисидан 30 марта кўп йўловчи ташийди. 60 миллион кишига буни қайта-қайта тушунтираверишга бир йил етмайди...

Барча шаҳар одамлари шошиб юради. Шошиб ишга боради, шошиб уйга қайтади, шошиб бир-бирларига мурувват қилишади, шошиб узр сўрашади. Лекин қаерда бўлишмасин, нима ишга қўл урмасин ҳаммаси энг аввало ҳайдовчи билан мулоқотдан бошланади. Автобус, трамвай, троллейбус, метро орқали ишларини битиришади. Шундай бўлгач энг аввало ҳайдовчи билан йўловчи орасида ўзаро ҳурмат бўлиши керак. Йўловчини ҳурмат қилган ҳайдовчи ҳеч қачон қатнов графигини бузмайди. Яшириб нима қилдим, айрим ҳайдовчилар бор, кечга бориб маршрут белгисини ўриндиғи остига яшириб киракашликка тушади. Бундайлар билан корхонамиз маъмурияти мурosасиз курашиб келмоқда, бу масалани ҳал этиш борасида энг жиддий чоралар кўрилмоқда...

Шариф Тўлагановнинг тўртта фарзанди бор. Иккитаси мактаб ўқувчиси. Энг кенжа ўғли Ботир энди бир ёшдан ўтди. У ишдан бўш пайтлари гоҳи рафиқаси ўғлини кўтариб қайгадир отланиб қолса кўнгли тўқ. Уйларининг шундоққина ёнида автобус бекати бор. Кўп куттирмай автобус келади, она-бола юмшоқ ўриндиққа ўтириб бир зумда манзилга етиб олади. Ҳар ҳолда у шундай ўйлайди. Чунки унинг ўзи иш пайти йўловчиларни куттириб қўйишга одатланмаган. Чунки унинг ҳамкасблари ҳам шундай бўлиши керак, чунки бу уларнинг бурчи.

Тошкентда биринчи автобус 1909 йилнинг декабрида пайдо бўлган. Ўшанда саккиз ўринли бор-йўғи 10 та автобус қатнаган. Саккиз нафар омадли йўловчи тахта ўриндиққа чўкиб, шодликдан боши осмонда шаҳарни сайр қилар экан, йиллар ўтиб бу ерда одамлар метро поездларида жимгина газета ўқиб ўтириб ишга бориб келишларини хаёлига ҳам келтиришмаган бўлса керак. Кейинроқ, аниқроғи эса йигирма йил ўтиб, 1929 йилда шаҳарда мамлакатимизда биринчи ишлаб чиқарилган 18 ўринли «Я—6» автобуслари қатнай бошлаган. Ярославль автозаводида ишлаб чиқарилган бу автобуслар ҳозирги «Икарус— 280»лар олдида қўғирчоқдек гап...

«ПАЗ— 672» автобуслари шаҳар ичидаги маршрутлар учун энг қулай машина бўлса керак. Айниқса, айни шу 36-маршрут учун. Чунки бу маршрутда йўл нисбатан тор, аҳоли зичлигидан бекатларнинг ораси бирмунча яқин. Автобус салони қишда иссиқ, паришонхотирроқ йўловчини дарров мудроқ босади. Невараси-ни етаклаб олган бир момо олд эшик томонга ўтиб Шарифга юзланди: «Болам, шу ерда тўхтатиб қўй, қўлимда юким бор эди...»

Тўлаганов индамай автобусни йўл четига олар экан менга маъноли қараб қўйди: ҳозир кўрасиз. Йўловчилар шовқин кўтаришади, демоқчи. Аммо кампир уни дуо қилиб невараси билан пастга тушди, автобус оғир қўзғалди, лекин ҳеч ким миқ этмади. Йўловчиларнинг барининг кўзи кампирда. Кампир неварасининг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, лапанглаб борар ва эҳтимол ҳозир ҳам «шопир болани» алқаб кетаётган эди. Тўлагановга сўнгги саволимни бериш пайти келганини англадим. Мен энди унга фақат халақит бераётган эдим.

Кўнгилчанлик нима?

У узоқ ўйлаб ўтирмай дилидагини айтди-қўйди. Шариф Тўлагановнинг айтишича, кўнгилчанлик бу — одамийлик экан. Бор бўлсин шу туйғу!

**М. ЮСУПОВ.**

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

# Сўз ва иш бирлиги

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида қилган докладида ўртоқ К. У. Черненко сўз ва иш бирлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Пойтахтимизнинг юзлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари бунн амалда кўрсатмоқдалар. Шулардан бири 159-қурилиш трестнинг 22-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи Абдуазим Юнусобидир. У IX ва X беш йилликда ҳам меҳнат зарбдорлари сафида бўлиб, кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишида жонбозлик кўрсатган эди. У бошлиқ бригада доимо ўз зиммасига олган мажбуриятларни муваффақиятли адо этиб келмоқда. Коммунистик меҳнат коллективи номини олган бу бригадада 16 киши меҳнат қилади.

Коммунист бошчилик қилаётган бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг тус олдириб юборди. Бунёдкорлар ўн биринчи беш йилликда жами 630 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мажбуриятини олишган. Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида 461 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини адо этишди. Юнусобод массивида уй-жой қуришди. Объектлар «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширилди.

Республика юбилейини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун зарбдор вахтада туриб ишлаётган бригада аъзолари шу кунларда Халқлар дўстлиги проспектида янги турар жой биносини, шунингдек бир қатор маданий-маиший объектларни қуришда фаоллик кўрсатишяпти. Яқинда эса 50 квартирали уй-жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга топширишди. 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносини ҳам яқин кунлар ичида сайқалчиларга топшириш учун курашишяпти.

Коллектив эришаётган ютуқларда бригадир, мураббий Абдуазим Обидовичнинг катта хизматлари бор. Тошкент область партия комитети ва область касаба союзлари Совети 1983 йил иш якунлари бўйича меҳнатда энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги ҳамда ижтимоий ҳаётда актив иштирок этганлиги учун Тошкент шаҳрининг 18 ишлаб чиқариш илғори қаторида бригада бошлиғи Абдуазим Юнусовга «Бунёдкор» мукофотининг лауреати унвонини берди. Мукофотдан руҳланган коммунист-мураббий меҳнат ютуқларини янада бойитиш учун астойдил интилмоқда.

**Т. НАЖМИЙ.**

● ШАҲРИМИЗНИНГ ИККИ МИЛЛИОНИНЧИ ФАРЗАНДИ

# САОДАТ УЧ ОЙЛИК БЎЛДИ

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида шаҳримизда дунёга келган икки миллионинчи фарзанд —Саодат уч ойлик бўлди. У отаси ва онаси Илҳом ва Дилбар Дадахоновлар бағрида вояга етмоқда. Қизалоқнинг оғирлиги ҳозир 6,5 килограммдан иборат.

Онаси Дилбархон севимли фарзандини ҳар куни оқшомда ўзи истиқомат қилаётган «Марказ—13» квартиладаги сўлим оромгоҳда аравачада сайр эттиради.

Маълумки, Дадахоновлар оиласи ўша қуёнчли кунда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига кўра янги уч хонали уй билан тақдирланишган эди. Яқин кунларда оила Беруний проспектидаги «Б—3» кварталидаги янги уйлардан бирига кўчиб бориш тараддудида.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## «ЭЛЕКТРОН ПРОГРАММА»—АМАЛДА

БУДАПЕШТ. Венгрияда тобора кўплаб давлат хўжаликлари ва кооперативлар замонавий трактор ёки комбайнларигина эмас, шу билан бирга электрон-ҳисоблаш машиналарини ҳам сотиб олмоқда. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Аграр ишлаб чиқаришда электроникани қўлланишнинг фойдали эканлигини мамлакатдаги ўнлаб хўжаликлар амалда исбот этишди.

ВХР қишлоқ хўжалигида «электрон программа»ни атиги уч йил муқаддам тўрт область кооперативчари қўллай бошлашди. Бу областлар ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиб, электрон-ҳисоблаш машиналарини жорий этиш юзасидан махсус бирлашма ташкил этдилар. Ўша пайтдан буён программа қатнашчилари доираси анча кенгайди. Компьютерлардан фойдаланиш натижасида асосий фондларни, иш ҳақини, иш кучи ва маблағларни самарали ҳисобга олиш йўлга қўйилди, мамлакатдаги еттита областдаги хўжаликларни бошқариш қатъий математик асосда олиб бориладиган бўлди.

Венгриядаги «Видеотон» бирлашмаси бошқа социалистик мамлакатлардаги шерикларини билан қалин ҳамкорликда кичик ҳисоблаш электрон машиналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Бирлашма ходимлари хўжаликларга соблаш марказларини вужудга келтириш учун яхши натижа берди. Бундай машиналарнинг жорий этилиши қишлоқ меҳнатини енгиллаштириш, ҳар га электр энергияси сарфини камайтириш, ҳар бир трактор ва комбайн кўпроқ самара олиб мўл ҳосил етиштириш имконини беради.

## ХИМИКЛАР МАКТАБИ

**БУДАПЕШТ. Шу кунларда Венгриядаги энг катта олий мактаблардан бири— Веспрем химия институти 35 йиллик юбилейини нишонламоқда. Мамлакатда социалистик қурилиш дастлабки йилларида барпо этилган шу ўқув юрти республика саноати учун малакали кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнамоқда. 4 мингдан кўп мутахассис шу университетнинг инженер-химик дипломларини олган.**

**Химия саноати —ВХР халқ хўжалигининг жўшқин ривожланиб бораётган тармоқларидан бирндир. Бунда Веспрем олий мактабида таълим олган юқори малакали мутахассисларнинг хизматлари катта.**



**ТУНИС. СССРдан келтирилган тракторлар мамлакат деҳқонлари ўртасида тобора кенг шуҳрат қозонмоқда. Ҳозир бу ерда турли маркадаги юзга яқин совет машиналари ишлаб турибди. «Темир туя»— уни ихлосманд деҳқонлар шундай деб аташади. Бу машиналар ўзининг пишиқлиги, ва ракатчанлиги ва бошқаришнинг осонлиги билан деҳқонлар ва бошқа ларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.**

**СУРАТДА: деҳқонлар «Беларус» тракторини далага чиқишга тайёр лашяпти.**

**В. Лебедев фотоси. (ТАСС).**

## ЮКСАК МАЖБУРИЯТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**БЕРЛИН. Берлин мебель комбинатининг меҳнаткашлари Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Улар шу беш йилликнинг биринчи йилида ўз маҳсулотларининг 17 процентдан сал кўпини Сифат белгиси билан чиқарган бўлсалар, юбилей йилининг охирига борнб шу кўрсаткични 50 процент ва ундан ҳам оширишга қарор қилишди. Бундан ташқари шу давр ичида ишлаб чиқарилдиган маҳсулот турини анча янгилаш мўлжалланади.**

## Кичкинтойлар учун

**УЛАН-БАТОР. МХР болалар фондининг маблағлари ҳисобига Чойбалсан шаҳрида қурилган янги болалар комбинати Шарқий аймоқ аҳолисига манзур бўлмоқда. Бу ерда тажрибали педагоглар ва медицина ходимлари ишламоқдалар. Ўйин залларн, спорт майдонлари болалар хизматида.**

**Партия ва ҳукумат ёш авлоднинг уйғун камол топиши учун алоҳида эътибор бермоқда. МХРда мактабгача болалар муассасаларн кенг тармоғи вужудга келтирилган —болалар боғчалари, яслилари ишлаб турибди, уларда машғулотлар ягона таълим-тарбия планларига мувофиқ олиб борилмоқда. Чунончи кичкинтойларнинг мактабгача тарбия олиш масалаларида бўлғусининг учун тўланадиган пул жуда оз бўлиб, кўп болалик оилаларнинг болалари эса бепул тарбияланадн.**

**Халқ Монголиянинг болалар тиббиёт-профилактика системасининг моддий базаси йил сайин такомиллашиб боряпти. Ҳозир МХРда давлат болалар шифохоналарининг 20 процентдан ортиғи халқ маблағлари ҳисобидан сарфланмоқда.**

## ОЛИМЛАРНИНГ ДАЪВАТИ

ВЕНА. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари олимларининг химиявий қуролни тақиқлаш проблемаларига бағишлаб бу ерда ўтказилган учрашуви қатнашчилари Европада химиявий қуролдан холи зона яратишни ёқлаб гапирдилар. Улар айни маҳалда бу қуролни ишлаб чиқариш ва уни иккала герман давлати —ГФР ва ГДРда жойлаштиришдан воз кечиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаётганликлар и н и билдирдилар.

Учрашувда Австрия, ГДР, ГФР, СССР, АҚШ ва ЧССР вакиллари қатнашдилар.

Олимларнинг проблемаларга бағишланган навбатдаги халқаро учрашуви ноябрь куни Мюнхенда (ГФР)да бўлади. Бу учрашув «тинчлик ва таъминлаш учун ҳаракат» гарлик —олимлар химиявий ва биологик ролга қарши» шиор остида ўтади.

## ЮБИЛЕЙ ЛАЪЛИ

**БУХАРЕСТ. Руманиянинг Тимишоара шаҳридаги электр ўлчов аппаратлари заводида 50.000-номерли сунъий лаъл ишлаб чиқарилди. Бу ерда саноат аҳамиятидаги сунъий қимматбаҳо тош тайёрлайдиган махсус цех ишга тушганидан бери ўтган беш йил ичида заводда шунча лаъл тайёрланди. Ёқут лаълдан электр ўлчов аппаратларк, гоп ва приборлар, нозик механика ва электроника буюмлари тиёжлари учун катта-кичик миллион-миллион подшипниклар ясади.**

● ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

# Катта олим, меҳрибон устоз



**Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, партия ва совет кадрларини тайёрлашдаги хизматлари учун Тошкент олий партия мактаби профессори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Константин Евлампиевич Житов Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени партия тарихи институти ва Халқлар дўстлиги орденли Тошкент олий партия мактабининг бугун бўлиб ўтган қўшма мажлиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Константин Евлампиевич Житов туғилган кунининг 80 йиллиги, илмий-педагогик ва ижтимоий фаолиятининг 60 йиллигига бағишланди.**

К. Е. Житов Ўрта Осиёда тарих фани соҳасидаги дастлабки тадқиқотчилардан бири бўлиб, у ишлаган ва ишлаётган проблемалар доираси кенг ва кўп қирралидир. У бутун ҳаётини Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши ва унинг прогрессив натижалари, Ўзбекистонда революцион ҳаракат тарихи, Февраль ва Октябрь революцияси тарихи сингари проблемаларни ўрганишга бағишлади. К. Е. Житовнинг Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси тарихий тажрибаси» ва бошқа асарлардир.

КПСС назарияси ва сиёсатининг актуал проблемаларига доир у ўқиётган лекциялар ҳамиша ғоявий мазмуни чуқурлиги, ҳар томонлама асосланганлиги билан ажралиб туради.

Тошкент олий партия мактабида ишлаган вақтларида К. Е. Житов «Туркистон Компартиясининг тарихи» махсус курсини ишлаб чиқди ва жорий этди. У марксча-ленинча назария, социалистик революцияда партиянинг стратегия ва тактикаси, миллий масала, партиянинг аграр программаси бўйича бир қатор масалалар юзасидан проблема-лекциялар ўқишга асос солди.

У ўнлаб фан кандидати ва докторларига устозлик қилди.

Партия ва ҳукуматимиз Константин Евлампиевич Житовнинг фаолиятини юксак баҳолади. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» одрени, Халқлар дўстлиги ордени, олтита медаль, Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР Олий Советлари Президиумларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. 1964 йилда унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилди. 62 йилдан бери Константин Евлампиевич партия сафидадир. У «КПСС сафида 50 йил» нишони билан тақдирланган.

Деҳқон йигити К. Е. Житов таниқли олим-академик ва жамоат арбоби даражасигача катта ҳаёт йўлини босиб ўтди.

У бугунги кунда ҳам коммунизм учун курашнинг олдинги сафида боряпти, коммунистик партия, жонажон мамлакатимизнинг бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқда. Қатъиятли коммунист, тажрибали педагог, тарбиячи, камтар ва сезгир инсон К. Е. Житовдан ҳар қанча ўрнак олсак арзийди.

**Ҳ. ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.**

# ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

СОФИЯ. Болгарияда илк бор пойтахт районида XX асрнинг охиригача ўртача ойлик температураларнинг мумкин бўлган ўзгаришлари тадқиқ этилди. Болгария, Болқон ярим ороли территориясида ҳамда Ўрта денгиз районларида ўртача ойлик температура ва намликни прогноз қилиш борасидаги тадқиқотлар ҳам муваффақият билан олиб борилмоқда.

Совет олимлари ёрдамида Болқон мамлакатлари учун об-ҳаво шароитларини аниқлаш қисқа муддатли схема ва моделлари ишлаб чиқилди. Булар экиндан мўл ҳосил олишда катта аҳамиятга эга бўлади.

* * *

10 июнь куни очиладиган навбатдаги Халқаро Познань ярмаркасида электроника, электротехника, машинасозлик ва озиқ-овқат саноати соҳасида Болгария эришган ютуқларни 19 ташқи савдо корхонаси намойиш этади. Болгария билан Польша ўртасида савдо-сотиқ алоқалари муттасил кенгайиб бормоқда. Товар оборотининг ўсиши шундан далолат беради. Товар обороти шу йил 645 миллион сўмга етади.

* * *

ХОШИМИН. Ўн беш йилдан бери Социалистик Вьетнам аҳолисига кўра ВКП ҳамда Жанубий-Шарқий Осиёда ишчи ва деҳқонларнинг биринчи Вьетнам давлати асосчиси туғилган кунни дарахт кўчатлари ўтказиш байрами билан нишонлаб келмоқда. Республиканинг Хо Ши Мин номидаги катта шаҳрида 3 миллион туплан кўп дарахт кўчати ўтказилди.

Шаҳар янги мустамлакачилик қўғирчоқ режимидан озод этилгандан сўнг бу ерда кўкаламзорлаштириш ҳаракати ҳақиқатан умумхалқ ҳаракатига айланди. Мамлакат жанубидаги муҳим иқтисодий марказнинг яшил либоси анча кўркам бўлиб қолди. Шаҳар картасида ўнлаб янги хиёбонлар ва парклар пайдо бўлди. Шуларнинг кўпларига чет эл босқинчиларига қарши, Ватан озодлиги, мустақиллиги ва бирлиги учун курашда ўз ҳаётини қурбон қилган Вьетнамнинг таниқли революционерлари ва ватанпарварлари номлари берилди.

* * *

ҚОҲИРА. Қоҳирани жанубий-шарқий қисмида кўтарилган Ал-Муқаддам катта платоси қурилиш майдонига айланиб кетди. У ерда янги катта турар жой массиви барпо этилмоқда. Биринчи босқичда 50 минг квадрат метрга яқин майдондаги янги қурилишларга хонадонлар кўчиб келади. 30 минг қоҳиралик уй-жойлик бўлади. Кейинчалик бутун платони замонавий янги уйлар тўлдиради. Уша ерда мактаблар, касалхоналар, магазинлар қурилади, хиёбонлар барпо этилади. Ал-муқаддам турар жой районига планлаштириш тўғрисидаги қарор Миср пойтахтидаги қаттиқ уй-жой танқислигини бартараф этишга қаратилган тадбирларнинг бир сифатида қабул қилинди.

* * *

СТОКГОЛЬМ. Швециянинг Евле шаҳрида ишлаб чиқарилган Ал-Муқаддам вандлаш ва пайванд қилиш ускуналарини қўллаб проблемаларига бағишланган халқаро симпозиум очилди. Симпозиумда олти мамлакат, шу жумладан СССР, Швеция, Финляндия, ГФР, саводо-саноат доирасларининг вакиллари ва мутахассислари қатнашмоқда.

Улар катта-катта металлгистрал газ қувурларини ётқизишда, шунингдек саноат ва уй-жой объектларини газлаштиришда пайвандлаш материалари энг илғор материаллаларини қўллаш ва ишларини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадилар.



● Редъярд Ситн (АҚШ, Калифорния штати) ҳайвонот боғига келтирилган олти ойлик шимпанзе инҳоятда ўйинқароқ. Уни йўлбарс болалари билан бир қафасга жойлаштиришди. Улар бир-бирлари билан дўстлашиб, бирга ўйнашни яхши кўришади.



● Стокгольмдаги «Скансен» ҳайвонот боғида яшаётган мана бу кичкинтой горилланинг туғилганига атиги 18 кун бўлди. Унинг ҳатто отн ҳам йўқ. Шунга қарамай у майнн табассумн билан томошабинларни мамнун этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ЛУҚМА

# Миссисипи ирмоғи

ЁКИ ҚИЧИҚ МАСАЛАДАН ТУРАЛАРЧА ҚАТТА СОХТА ЖАВОБ ТАЙЁРЛАШ МУМКИНЛИГИ ХУСУСИДА

**Редакцияга оқшомхон Ковальчукдан шикоят хати келди. Унда Еремян кўчасидан оқувчи ариқ ифлосланганлиги, унинг қиёфасига қараб бўлмаслиги ҳақида ташвишланиб ёзилган. Қудратли техника билан қуролланган «Автодормехбаза» раҳбарлари эса дайди мушукларнинг хилватхонасига айланиб қолган тонна-тонна чиқиндиларни ташиб кетишнинг иложини қилолмапти.**

**Қудратли техника билан қуролланмаган ва айни пайтда бу иш учун зарур даражадаги хизматчилар, боғ-томорқа жиҳозлари бўлмаган редакция хатни Халқ депутатлари Куйбишев район Советига йўллади. Район Совети ижроия комитетидан эса бу хат юзасидан тўраларча ёзилган мантиқсиз жавоб олинди. Ўта маҳорат ва санъаткорлик билан ёзилган ушбу дурдона жавобни тўлалигича келтирамиз:**

«Тошкент оқшоми» газетаси редакциясига. Халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитети томонидан Еремян кўчасидаги 6 уйда истиқомат қилувчи граждании Ковальчукнинг суғориш тармоғини тозалаш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди.

Шу нарса аниқландики, тилга олинган бу ариқ Яланғоч магистрал каналн шахобчасидир. Бу каналдан суғориш сувини ўтказиш учун уни рўзғор чиқиндилардан тозалаш зарур. Шу муносабат билан маҳалла комитети раисига канални ҳашар йўли билан тозалаш таклиф этилди. Тозалаш ишлари тўгалланиб, сув ўтказилганлиги ҳақида ижроия комитет қўшимча равишда маълум қилади.

Ижроия комитет раиси ўринбосари Р. Мусабоев».

Эътибор берган бўлсангиз, бу жавоб шу даражада оригиналки, ўртоқ Мусабоевга жавоб ёзмасликнинг сира иложи йўқ. Чунки саломга яраша алик деган гап бор. Бизнингча бу жавоб фақат Куйбишев район Совети ижроия комитети ходимлари учунгина эмас, бошқалар учун ҳам қизиқарли бўлади.

Шундай қилиб жавоб хат:

«Ҳурматли ўртоқ Р. Мусабоев. Жавобингизни диққат билан ўрганиб, редакция шахсан Сизга хат ёзишга қарор қилди. Самимийлигимизга ишонинг, биз Еремян кўчасидан ўтувчи ариқ Волга, Дунай, Днепр, Миссисипи, Амазонка дарёлари ва шунингдек уларнинг ирмоқлари эмаслигига шубҳаланмаймиз. Ишончимиз комилки, бу ерда севрюга, белуга, оқ амур, осётр, акула, китлар ва бошқа шунга ўхшаш сувда сузувчилар йўқ. Биз ҳанузгача Яланғоч каналидан чиқувчи бу ариқдан кемалар сузмайди, деб ўйлаймиз. Шунга қатъий аминмизки, бу ариқ Гибралтар бўғози ҳам, Па-де-ка-ле бўғози ҳам, ва асло Сувайш канали ҳам эмас.

Редакция сизни шунга ишонтиришни ўз бурчи деб биладики, биз океанлар ва баъзан дарёларни ифлослантирувчи нефть маҳсулотларини рўзғор чиқиндилари билан янглиштириб юбормаймиз, чунки бу ариқларнинг саёзлиги ва уларда умуман сувнинг йўқлиги туфайли юк танкерлари улардан ўтолмайди.

Сиз каби редакция ҳам шунга аминки, сиз чуқур тадқиқ этган канални тозалаш чиндан ҳам зарур. Сиз каби биз ҳам бу борада ҳашарсиз иш битмайди деб ўйлаймиз. Аммо умуман ҳашарнинг қандай ишларда зарурлиги масаласига келганда эса сизнинг фикрингизга қўшилиш қийин. Сиздан фарқли ўлароқ бошқа барча имкониятлар қолмагандагина ҳашар зарур, деб ўйлаймиз. Сиз район «Автодормехбаза»сн мунтазам равишда бажариб туриши лозим бўлган ишни аҳоли зиммасига юклашга ҳаракат қиласиз. Агар билсангиз улар ҳам маълум жойда ишлашади. Уларнинг ҳам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни талаб қиладиган оиласи ва болалари бор. Агар Куйбишев район ободончилигидаги тартибсизликларни ҳашар орқали бартараф этмоқчи бўлсангиз, сизга амалий таклифимиз бор: хизматчиларингиз билан биргаликда зарур жиҳозларни олинг-да, бошқаларга муносиб намуна кўрсатинг.

Мабодо хаёлингизга яна қандайдир оригиналроқ фикр келиб қолса, хатингизда ваъда берганингиздек қўшимча равишда маълум қилинг».

Республикамизда пушкинхонлик кунлари

## ШОИР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

...номли Давлат педа... институтида ...рус шоири Алек... Сергеевич Пуш... туғилган куннинг ...йиллиги муноса... билан пушкин... кечаси ўтка...

Ўзбекистон ССР ...министрлиги ...республика Ёзувчи... союзи правлениеси ...этган бу тад... шоирлар, ада... олимлар, ...ёзувчи... таклиф этилди.

Пушкинхонлик кечасида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари Б. Пармузин, филология фанлари доктори, профессор Л. П. Қаюмов, шоира Гулчеҳра Нуруллаева ва бошқалар сўзга чиқиб, оташин шоирнинг бебаҳо ижоди ҳақида илҳомланиб гапирдилар.

Пушкинхонлик кечасида «Пиковая дама» операсидан парчалар кўрсатилди, шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

# Пушкин асарлари— Вьетнам тилида

Вьетнам адиблари... рус ва совет ада... билан илк таниш... мамлакатда ре... ижодий ҳаракат ри... бошлаган даврларга ...келади. 20-йил... бошларида Хо Ши Мин Лев Толстой ...таъсирида ...дастлабки ...ва ҳикояларини ... эди. Асримиз... 50-йиллари эса ...халқи совет ...социалистик ...адабиёти ...хазинаси ...бахраманд бўли... муҳим бурилиш ...бўлди. Вьетнам ...рус адабиёти, ...ижоди билан ...50-йил... иккинчи ярми... Хоанг Суан Ньи ...рус адабиёт... тарихи бўйича ...лекциялар ...муҳим аҳамиятга ...Ўтказилди. Вьетнам тилидаги би... шеърлар тўпла... ми нашр этилди. Унга лирик шеърлар ва «Кавказ асири», «Лўлилар» поэмалари киритилган эди.

1961 йили таниқли совет опера қўшиқчиси ва педагог Д. Бадридзе бадиий раҳбарлигида Вьетнам саҳнасида «Евгений Онегин» операси қўйилди. 1977 йили Ханойда нашр этилган До Хонг Тьунгнинг «Пушкин — улуғ рус шоири» номли рисоласи шоир ижодининг вьетнам тилидаги дастлабки тадқиқоти сифатида муҳим аҳамиятга эга. 1979 йили шоир туғилган кун... нинг 180 йиллиги муносабати билан «Ванге» («Адабиёт ва санъат») ҳафталигида «Русалка» драмаси вьетнам тилида эълон қилинди. Ханойда шоир ижодига бағишланган илмий конференция ўтказилди. Вьетнам ёзувчилар союзи правлениесининг секретари шоир Те Хань ана шу конференциядаги докладида инсониятнинг маданий хазинасида Пушкиннинг тутган ўрнига муҳим баҳо берди.

Бугун бепоён Советлар мамлакатида, унинг барча бурчакларида ўтаётган пушкинхонлик кунлари улуғ шоир мухлисларининг, шу жумладан шоир шеъриятидан баҳраманд Вьетнам пушкинхонларининг ҳам байрамидир. Бу дўстлик байрами, шеърият байрами Пушкиннинг улуғ даҳосига, бегубор самимиятига чуқур эҳтиромнинг ёрқин рамзидир.

**Ле Винь КУОК,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими, филология фанлари кандидати.**



Буюк рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг 185 йиллигига бағишланган шеърият байрами муваффақиятли ўтмоқда. Шоир ҳайкали олдида, унинг номи билан аталаётган ҳиёбонда Пушкиннинг барҳаёт шеърлари янграмоқда, унинг ўлмас асарлари асосида яратилган опералардан парчалар ижро этилмоқда.

СУРАТДА: А. С. Пушкин ҳайкали ёнида.

## ПУШКИН

* * *

Сен сизга ачинмайман, вафосиз севгиларда
Ҳаётда оқиб ўтган баҳорнинг ёлларин!
Мен сизга ачинмайман, эй тунларнинг сирлари!
Ўзгаросла кўйланган, эй тунларнинг сирлари!
Мен сизга ачинмайман, бевафо дўст, жўралар,
Ёлларнинг тожлари, даврада айланган жом.
Мен сизга ачинмайман, хиёнаткор гўзаллар,
Менинг ҳаёл банд этган ҳурсандчилик қилмас ром.
Қайда, қайда қолдингиз, ёшлигдаги орзулар,
Ва қалбнинг сокинлиги эркалатган кезларин!
Менинг аввалги оташ, илҳом бахш этган заҳарлар,
Келинг, келинг, муштоқман, баҳоримнинг ёлларин.
1820.

Зулфия таржимаси.

* * *

Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол,
Грузиянинг ғамгин қўшиғини, ҳайҳот,
Куйласанг ёдимга тушади дарҳол
Шарқ соҳил ва ўзга ҳаёт.
Ҳайҳот, дев шафқат йўқ бу қўшиғингда,
Ватанимга солар олис саҳронн
Ёди ойдин кечада — ой ёруғида
Шарқдаги қизнинг — шўрлик сиймонн....
Ажаб, машъум ҳаёл чиқар ёдимдан,
Унутлар, сенн кўрганда дилдор,
Сен куйлайсан, тағин мен кўз олдимда
Тасаввур этаман ўшанн такрор.
Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол,
Грузиянинг ғамгин қўшиғини, ҳайҳот,
Куйласанг ёдимга тушади дарҳол
Шарқ соҳил ва ўзга ҳаёт.

1828.

Миртемир таржимаси.

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

# ИНСОН ҚАЛБИ — ГУЛ

Инсон қалби чашмадек тиниқ, гулдек беғубор, унда доим меҳр-муҳаббат қуёши порлаб туради. Шунинг учун ҳам инсон инсонга дўст, биродар, ҳамкор, ҳамдард бўлади. Яхши одамлар кўплигидан бу олам яшнаб турибди. Бир одамнинг оғирини енгил қилиб, дардига дардкаш бўлиб, одамлар учун яшаб юрган қалби оташ инсонларга офаринлар айтамиз! Лекин гуруч ичида курмак бўлганидек, яхшилар орасида иғвогар, туҳматчи, ёлғончи, бўҳтончи, қалби қора кимсалар ҳам учраб туради. Иғвогардан ҳамма ҳазар қилади. Шундай ривоят ҳам бор. Бир иғвогар билан илон жаннатга тушадиган бўлибди. Лекин илон: «Иғвогар билан жаннатга кирганимдан, дўзах ўтида ёнганим яхши», деб бу аблаҳдан ҳазар қилган экан, жаннатдан кечган экан.

Шундай. Иғвогар пўстакка тушган куядек одамлар асабини, умрини, тинчлигини емиради, ҳамманинг ҳаловатини бузади, бегуноҳ, покиза одамлар устидан «думалоқ хат»лар ёзади, идораларни, раҳбарларни, ходимларни оворагу-сарсон қилади, ҳамманинг қимматли вақтини ўғирлайди, дилларга тикон санчади. Иғвогар ва туҳматчини фаровон турмушимизга тушган ямоқ, доғ деб биламиз. Уларга ҳар дам, ҳар соатда зарба бермоқ, адолатли чора кўрмоқ бурчимиздир. «Оила даврасида суҳбатлар»нинг навбатдаги туркум материаллари ана шу мавзуга бағишланди.

## ҚАТРА ГАПЛАР

● Иғвогар — балчиққа ўхшайди, яқинлашдинг сачраб ҳаммаёғингни булғайди.

● Дуру-гавҳар — софдил одам қалби, иғвогар тошдек уни «чил-чил» қилади.

● Гуллар очилган чаманда, қора доғларга ўрин қолмайди.

● Кўршапалак дер эмиш:
«— Иғвогардан қўрққанимдан кечаси учаман».

● Нур олға интилади, соя уни қувлайди, лекин нияти ёмон бўлгани учун ҳеч қачон нурга етолмайди.

● ҚАЛБ ҚАЛБДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

## Нақадар яхшисиз, одамлар

**Инсон қалби дарё! Меҳри дарё, меҳри қуёш! Уни таърифлашга сўз бойлиги етмайди! Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Баъзан одам боласи чорасиз қолса, яхшилар, самимий одамлар унга дилкаш, ҳамдард, жонкаш-жафокаш бўлишади.**

**Ёш Раҳмонбердининг ҳаётида ҳам шундай воқеа кечди. У бунн бир умр унутмайди. Тақдир ҳазилини кўрингки, Раҳмонберди онадан иккн оёғи ва чап қўли ногирон туғилди. Унинг отаси ишчи, онаси уй бекаси. На чора, улар учун ҳар қанча оғир бўлмасин, унн ардоқлаб тарбияладилар.**

**Раҳмонберди етти ёшга тўлгач, унн ўқишга бериш керак эди. Ақли мукаммал бўлгани учун унн махсус мактаб-интернатга беришнинг ҳожати йўқ эди. Унн умумий мактабларга беришга Тошкент шаҳар халқ маорифи Вош бошқармаси қарор чиқариб берди. Бу яхшн ғамхўрлик. Лекин у мактабга қатнаб ўқнёлмайди-ку, ана шу масалада ўйланиб қолинди. Лекин бизнинг кишиларимиз инсоннй фазилатлари билан унн ўз бағриларига олишди. Раҳмонберди Ортиқовни уйига муаллимлар бориб дарс берадиган бўлишди, у билан ўқийдиган синфдошлари ҳам кўмаклашишга қатъий аҳд қилишди.**

**Раҳмонберди Ортиқов ҳозир шаҳримиздаги 70-мактабнинг 2-«б» синф ўқувчиларн рўйхатида. Унн шу синф ўқитувчиси Гулчеҳра опа Исаева қалб қўри билан ўқитмоқда. Тўладан келган ҳаракатчан, зеҳнли бола айниқса математика, адабиёт фанларини зўр қизиқиш билан ўқимоқда. Мактаб маъмурнятн, синф ўқувчиларн ва ҳаваскорлар Раҳмонбердининг уйига бориб, унн октябрятликка ўтказишди.**

**Бола қалби баҳор гул-чечагидек беғубор бўладн. Унинг синфдош дўстларн Камола, Мирҳатам, Дилшод, Феруза ва бошқалар Раҳмонбердининг ҳузурида тез-тез бўлишиб, унга мактаб янгнликларидан сўзлаб беришади, дарсларига кўмаклашишади.**

**Гулгун ҳаётимизнинг гулгун кишилари шундай олижаноб! Ҳар бирнмизнинг қалбимизда инсоний муҳаббат фаввора кабн жўш уриб туради. Раҳмонберди ҳам ана шу меҳр чашмасидан баҳра олиб ўсмоқда, «Нақадар яхшисиз, одамлар!» демоқда.**

**Саъдулла СУЛТОНОВ,**
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

● *Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда*

# ХУФТАНИЙНИНГ ҚОРА НИЯТЛАРИ



Хуфтаний сомонийлар саройн кутубхонасининг мулозимларидан эди. Илми ҳам унча эмас, лекин ёшлигида мактаб очиб, баъзиларга савод ўргатарди, шу тариқа саводхонлик қилиб юрганида ундан савод чиқарган шогирдларидан бири вазирликка тайинланиб қолди-ю, Хуфтанийни саройга амалдор қилиб қўйди. Аввалига сармунший қилди, бўлмади, саркотиб қилди, бўлмади. У қаерга борса, иғвогарлиги, бўҳтончилиги туфайли уни саройга олиб келган вазир хижолат чекарди.

Хуфтаний пакана бўйли, жиккакдан келган, ниҳоятда ориқ, баданида эт қолмагани учунми, доим букчайиб юрарди. Кимдир уни кўриб «Ўзи бир қарич келадию, тили минг қарича, ё, тавба», дерди. Бошқаси «Бўйи калта, гапи халта» дерди.

Амирзода Нуҳ ибн Мансур бир куни кутубхонага кириб масиҳий—христиан дини ҳақида ёзилган бир китобга қизиқиб қолиб уни ўқиган экан, салдан кейин саройда гап-сўз бўлибди. «Шаҳзода ислом динн қолиб Исо динн, христианликка шўнғиб кетди, уни ўрганаяпти, тахтга мингач, ҳаммани ўша динга олиб кирмоқчи», деган гап тарқалибди.

Сал ўтмай Нуҳ ибн Мансур тахтга минди. Гап эгасини топди-ю, лекин амир уни чақиртириб айтган гапларини юзига солди, энди тек юришини, тилини тийишини тайинлади. Хуфтаний: «Сизга садоқат билан хизмат қиламан» деб қасам ичди.

Шу орада амир қаттиқ касалга чалиниб қолди-ю, уни даволашга ёш Абу Али ибн Сино аралашиб қолди. Шунда яна Хуфтанийнинг тили қичиди: «Амир шу тирмизак боладан нажот кутиб ўтирибди, тузалиш ўрнига жон бермасин тағин», деб гап тарқатди.

Ёш бўлса ҳам Ибн Сино зўр табиб эди, Нуҳ ибн Мансурни даволади. Хуфтанийнинг гапи амирга маълум бўлиб, уни тутиб келишга фармон берган эди, у даҳол қочди, Шу қочганича Самарқандга, ундан Хоразмга ўтиб кетди. Кўп вақт бадарға бўлиб юрди.

Орадан йиллар ўтди. Сомонийлар хонадони қулаб, Ибн Сино Хоразмга бориб қолди. Қараса, саройда ўша Хуфтаний юрибди. Бу ерда ҳам сарой кутубхонасида мулозим экан.

Абу Али уни танди-ю, лекин Хуфтаний танимади. Бундан доно ҳаким хурсанд ҳам бўлди. Лекин сал вақт ўтмай Хуфтаний қулоғига: «Абу Али ибн Сино Хоразмга келибди, амир Маъмун анжуманида бўлибди», деган гап чалиниб қолди. Бир маҳаллар ҳаким Бухоро амирини даволаганда ўзининг тили қичиб айтган гапи, агар Абу Али унинг бу ердалигини билса сири очилиб қолишидан чўчиди. «Кўрқоқ олдин мушт кўтарар» қабилида Ибн Сино ҳақида бир иғво тайёрлашга киришди.

Ҳоразмшоҳнинг Саҳлий деган вазири бор эди. У ўқимишли, билимдон, олимлар қадрига етадиган одам эди. Саҳлий Ибн Синонинг ўткир шоирлиги ва мантиқни яхши биладиган олим бўлгани учун бир китоб ёзишини сўради. Абу Али ибн Сино учга «Қисқарган мантиқ» деган китоб ёзиб тақдим этди. Вазир назидда унинг обрўси яна кўтарилиб кетди. Қарангки, худди шу кезларда Хуфтанийнинг тили қиличга айланди. Сарой аҳли ўртасида: «Абу Али ибн Сино амирга бирор асар бағишламай, вазирга китоб ёзиб берди, шу йўл билан уни қўлга олмоқчи», деган гап тарқалди. Бу гап Маъмунга бориб етди. У ўша бағишлов асарини сўради, вазир уни кўрсатди. Шоҳ индамади, лекин вазир бундан бирор нарса англамаганича қолди.

Ибн Сино Хоразмшоҳ Маъмун билан тезда яқинлашиб қолди, доим у зиёфатларига, илмий анжуманларига ёш олимни даъват қилардн. Буни кўрган Хуфтанийнинг қалби ёришмади, нуқул уни ғам босар, қандай қилса Ибн Сино оёғига болта ура олади, у шуни пойларди. Шу орада Хуфтаний бир гап тарқатди:

«Саҳлий Абу Алини қадрлаб ўз бошига бало қилмаса эди. Ахир Маъмун вазирдан кўра Ибн Сино билан кўпроқ суҳбатда бўлаяпти. Мана кўрасиз, - сал кунда у вазирни ҳайдатиб, ўрнига ўзи ўтириб олади», деди. Бу гап тезда вазирга етди. Унинг боши қотди.

Орадан бир неча ойлар ўтди, лекин на вазир Саҳлий, на Хоразмшоҳ Абу Алини йиғинанжуманга чақирди. Бу орада тибга ва фалсафага оид бир неча рисолалар ёзди.

Вақти келиб Хуфтаний тарқатган қумалоқдай гап чалмадай бўлиб қулоққа чалинди. Эмиш-ки, Хоразмшоҳ яқинда вазир Саҳлий ўрнига Абу Али ибн Синони тайинламоқчи бўлиб турган экан, бирдан айниб қолибди. Абу Алининг амалпарастлигини билиб, у ўз фикридан қайтибди, Абу Али бўлса ундан аразлаб саройга бормай қўйибди, бечора амалга миниман деб назардан қолибди.

Буни эшитгандан бир қанча вақт кейин Абу Али вазир Саҳлий ҳузурига борди. У вазирни шу мулоҳаза асосида кузатмоқчи бўлди. Маълумки, бир пайтлар мантиқ ҳақида шеърий асар ёзиб беришни сўраган эди. Ўшанга кўра Абу Али мантиқ ҳақида қасида ёзиб, асарни вазир Саҳлий номига бағишлади.

Саҳлий китобни олди-ю, лекин унда Ибн Синога нисбатан самимийлик аломати сезилмади. Ибн Сино Хоразмшоҳ ҳузурига ҳам кирмоқчи бўлди-ю, лекин Маъмун уни қабул қилмади. Шундан кейин Абу Али ибн Сино бировга бир нарса демади, китоб-дафтарларини йиғиштириб-ю, эртаси Хоразмни тарк этди. Журжонга равона бўлди.

Абу Алига бир нарса қаттиқ таъсир қиларди: кимдир у ҳақда шунча иғво гап тарқатади-ю, вазир ҳам, Хоразмшоҳ ҳам, бу хусусда у билан рўйи-рост гаплашмади, бир оғиз гап очмади, унинг тагига етмади.

Абу Али ибн Сино кейинчалик бу иғво сабабларини билди, булар ҳаммаси Хуфтанийнинг қора ниятлари эканини пайқади-ю, лекин у иғвога ишонганларга ҳам ишончи қолмаган эди.

**Абдусодиқ ИРИСОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академняси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.**

Иззатингдан айрилма

## Отнинг қашқаси

Одам боласи онадан пок туғилади, деган нақл бор. Бу ҳақ гап. Лекин «туғма талант», «туғма доно» деган сўзлар ҳам бор. Бу ҳам ҳақ гапга ўхшайди.

Маҳаллада Абдувосилни кўпчилик билади. «У онадан пок туғилмаган, туғма иғвогар дейишади». Бу ҳам ҳақ гап.

Абдувосил аввало ён қўшнисини кўролмайди: қўшниси оддий ишчи. Тошқин ака мана ўттиз беш йилдирки, Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайди. Абдувосил унинг деворига қулоқ чўзиб, «Қачон бир «қий-чув» бўларкин» деб энтикади. Йўқ, бу хонадон доим тинч, осойишта, фаровон. Тошқин ака чашма сувидек ҳалол пешона тери билан кун кўриб, яхши рўзғор тебратади, Абдувосил шу пок хонадонга ҳам заҳрини сочди. Чойхонада чордона қуриб, ҳаммани ўргимчак уясидек оғзига қаратди:

— Тошқинни биласизлар, тўқимачилик комбинатида ишлайди,— деди у тилини қайраб. — Унинг аёли менинг хотиним билан опа-сингил бўлиб кетган. Ҳамма сирини айтади, Тошқин комбинатдан «тўп-тўп» чит, сатин олиб келаркан, хотини ҳар куни битта ёки иккита кўрпа қавиримиш. Тошқиннвой яғни кўрпа-кўрпача ёлмаган куни ухламасакан...

Даврада ўтирган одамлар Абдувосилнинг бу бўҳтонига куйиб юборишди. Савдо ходими бўлиб ишлайдиган Анвар ака деган оқ кўнгил йигит иғвогарнинг бу туҳматига чидолмади, гап қотди:

— Қўйинг-э, Абдувосил, гапни ҳам «совутилмаган» отдек олиб қочдингиз-да... Тошқин ака катта қизини узатаётганда менга илтимос қилиб, магазинимиздан олтмиш метр чит олган эди... Одамга бунақа туҳмат қилманг.

Нафаси ичига тушиб кетган Абдувосил уни ҳам «яниб» қўйди. Ана шу «яниш» бир ҳафтадан кейин кучини кўрсатди. Анвар ака ишлайдиган магазин бир ойгача ревизору, текширувчилардан тинмади. Ҳамма сарсон-саргардон бўлди. Очиқ гап, Анвар аканинг қалдирғоч қанотидек соҳаларига оқ оралади. Бунинг устига Абдувосил Анвар аканинг қизига келган совчиларга «қора баҳо» бериб юборди.

— Онасини кўриб, қизини олинг. Отаси магазинчи, ғирт ўғри, онаси боғчада фаррош, ювиндихўр, болаларидан қолган овқатни уйига ташмалайди... Буларга қуда бўлгандан кўра, ўғлингиз бўйдоқ ўтсин.

Шундай қилиб, қудалар айниб кетишаётган эди, маҳалланинг нуроний кексаси Икром тоғага ўчрашиб қолишди:

— Ҳалол оила, қизи Дилбар барно қиз, — деди Икром тоға мамнунлик билан,— ўғлингиз ишчи экан, бу ака бечора зўрға оқланди.

Шуниси ачинарлики, одатда бундай машмашаларнинг бўлишига ким айбдорлигини кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди. Чунки Абдувосил иғвогар «думалоқ хат» ёзади-ю, имзо чекмайди, адресини кўрсатмайди.

Абдувосил қайси ишхона-корхонага жойлашса, раҳбар устидан, ҳалол одамлар устидан «думалоқ хат» ёзади. Ўзи қирқ тўққиз ёшда, ўттиз жойда ишлаб, «туз ичган жойларига» тупуриб кетган. Ҳатто хотини Умринисо ишлайдиган тикувчилик ателесига «думалоқ хат» ёзиб, «Умринисо уйда кўйлак тикади, эрига, болаларига яхши қарамайди» деб меҳнаткаш, оққўшдек покиза хотинини ҳам қорага бўяб юборган. Буни сезиб қолган хотини нафрат билан «Чўтқасиз бўёқчисиз» деди. Гулдек-гулдек икки ўғил, бир қизи бор, бўлмаса Умринисо унинг ковушини аллақачон тўғрилаб қўярди.

Маҳалла-кўй Абдувосилнинг иғвогарлигини отнинг қашқасидек аниқ-таниқ билади, унга танбеҳлар, огоҳлантиришлар, панд-насиҳатлар берилган. Лекин Абдувосилнинг дарди рак касалига ўхшайди. Одамлар уни даволаш чорасини ўйлашаяпти-ю, шифо бўладиган дори топишолмаяпти.

**Тўлқин РАСУЛЕВ.**

● *Ножўя иш — келтирар ташвиш*

# «ЮМАЛОҚ ХАТ» УЧУН ЖАЗОЛАНДИ

**Меҳнаткашларнинг хатлари ва шикоятлари қар бир ташкилотда маълум муддатда жиддий кўриб чиқилади. Чунончи, прокуратурага келаётган бундай мактублар кўплаб жиноятларни фош этиш ва олдини олишда катта ёрдам беряпти. Бироқ, шундай хатлар ҳам бўладики, уларда баён этилган фактларга ишониш қийин. Кўпинча уларни ёзган киши бошқа-ю, остига қўйилган исм-фамилия, имзо бошқа бўлади. Баъзан эса умуман имзо бўлмайди. Кунлаб, ойлаб овора бўлиб текшириш ўтказилади. Қанча одамларнинг асабн бузилади, қимматлн вақти бекор кетади. Хатдаги фактлар эса тасдиқланмайди.**

**Ёлғон фактлар тўплаб юмалоқ хат ёзиш қандай оқибатга олиб келишн мумкинлигига қуйидагн воқеа мисол бўла олади.**

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасига юмалоқ хат тушди. Унда Ц. Расулов деган кишининг ахлоқн бузуқлигн, ўз қўли остидагиларга нисбатан қўполлиги ҳақида қатор фактлар келтирилган, ишдан бўшатилишн талаб этилган эди. Бир неча кунлик кузатиш, текшириш натижасида шикоят тасдиқланмади. Шундан сўнг ички ишлар ходимлари, Хоразмшоҳ яқинда вазир Саҳлий ўрнига Абу Али ибн Синони тайинламоқчи бўлиб турган экан, бирдан айниб қолибди. Абу Алининг амалпарастлигини билиб, у ўз фикридан қайтибди, Абу Али бўлса ундан аразлаб саройга бормай қўйибди, бечора амалга миниман деб назардан қолибди.**

**Буни эшитгандан бир қанча вақт кейин Абу Али вазир Саҳлий ҳузурига борди. У вазирни шу мулоҳаза асосида кузатмоқчи бўлди. Маълумки, бир пайтлар мантиқ ҳақида шеърий асар ёзиб беришни сўраган эди. Ўшанга кўра Абу Али мантиқ ҳақида қасида ёзиб, асарни вазир Саҳлий номига бағишлади.**

**Саҳлий китобни олди-ю, лекин унда Ибн Синога нисбатан самимийлик аломати сезилмади. Ибн Сино Хоразмшоҳ ҳузурига ҳам кирмоқчи бўлди-ю, лекин Маъмун уни қабул қилмади. Шундан кейин Абу Али ибн Сино бировга бир нарса демади, китоб-дафтарларини йиғиштириб-ю, эртаси Хоразмни тарк этди. Журжонга равона бўлди.**

**Абу Алига бир нарса қаттиқ таъсир қиларди: кимдир у ҳақда шунча иғво гап тарқатади-ю, вазир ҳам, Хоразмшоҳ ҳам, бу хусусда у билан рўйи-рост гаплашмади, бир оғиз гап очмади, унинг тагига етмади.**

**Абу Али ибн Сино кейинчалик бу иғво сабабларини билди, булар ҳаммаси Хуфтанийнинг қора ниятлари эканини пайқади-ю, лекин у иғвога ишонганларга ҳам ишончи қолмаган эди.**

**Абдусодиқ ИРИСОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академняси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.**

РАССОМ ТАСВИРИДА — ИҒВОГАР




1. «Юрагингни чангалламайсан-а, бопладимми!» 2. Иғвогарнинг қора касби. 3. Бахтининг боғи... 4. «Қўлингни торт, аблаҳ!»

А. Холиқов расмлари.

## СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● **«ФЕРМЕТОЛ»НИНГ ҚАНДАЙ ХОСИЯТИ БОР!**

**Венгер олимларн турли хил қишлоқ хўжалигн экинларн ҳосилдорлигини ошрадиган янгн восита яратдилар, деб хабар беради МТИ агентлигн. «Ферметол» деб аталувчн бу янгн воситани қўллашдан дастлабки ажойиб натижалар қўлга киритилди. Жумладан, буғдой ҳосилдорлигн гектар бошига 5 центнерга, қанд лавлагн 70 процентга ошди, қалампир ва помидор ҳосили ҳам кўпайди. Бу йил «Ферметол» йирик майдонларда —ўн минглаб гектар ерда синовдан ўтади.**

● **ЕШИ — УЧ ЯРИМ МИНГДА**

**Мисрнинг жанубида олиб борилган қазилмалар пайтида, деб хабар беради ЮПИ агентлигн, олимлар турар жой қолдиқларини топишга муяссар бўлганлар. Уларнинг ёшн уч ярим минг йилга тенгдир. Мутахассисларнинг фикрнча, бу қолдиқлар эрамизгача бўлган 1580 — 1339 йиллар даврида мамлакатга ҳукмронлик қилган 18-династия пайтларига тўғри келади.**

● **БУЮК РАССОМНИНГ СОХТА АВТОПОРТРЕТИ**

**Рембрандтнинг автопортрети Австралня-нинг Миллий галереясн экспозицняларида кўзга кўринарли жойда турар ва коллекцнялар ичида энг бебаҳоси деб ҳнсобланарди. У билан ғоят фахрланншар ва унн кўз қорачиғидек сақлашар эди. Лекин бу ерга экспертлар келгач шу нарса аён бўлнб қолдики, бу нодир полотно жуда усталик ва истеъдод билан, улуғ рассом вафотидан сўнг бир аср ўтгач ишланган сохта автопортрет экан... Ана шу ҳақда «Интернэшнл геральд трибюн» газетасн хабар берди.**

● **ЭСПЕРАНТО ТИЛИНИНГ РАҚИБИ**

**Электроника бўйича француз инженерн Антуан Пнра янгн сунъий халқаро тилни яратиб, унн адлн деб атади. Эсперанто тилининг янгн рақибн инглиз, француз, испан, итальян ва немис тилларн асосида электрон машинаси ёрдамида яратилди. Адлн тилининг лексик запасн — 25 мингга сўзданиборат бўлиб, унда синонимлар ва омонимлар йўқ.**

● **МАНА БУНИ ПАҲЛАВОН ДЕСА БЎЛАДИ**

**Вьетнам матбуотининг хабар беришича, Хатьен вилоятининг Меовак уездида 7,9 килограммлик чақалоқ туғилди. Бўлғуси паҳлавон ҳам, унинг ўттиз саккиз ёшли онаси Тхао Тхн ҳам ўзларнинг яхшн ҳис этишмоқда.**

● **ЯНГИ ҚУРИҚХОНА**

**Непалнинг Макванпур яқнндаги хушманзара жойда янгн йирик қуриқхона ташкил этилди. Қуриқхонада йўлбарслар, каркидонлар, кийик-лар ва бошқа ҳайвонлар бор. Непал ҳукумати мамлакатнинг ҳайвонот дунёсини муҳофаза этишга катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатда тўрт-та қуриқхона, олтита миллий парк мавжуд бўлиб, у туристлар ўртасида катта шуҳрат қозонган. Айрим қуриқхона ва парклларда эса у ерга ташриф буюрганлар филларга миниб марокли саёҳат қилишлари мумкин.**

● **ЁРДАМ КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛСА**

**Австрнянинг «Элин» фирмаси мутахассислари қуёш батареяларн ва аккумуляторларн билан ишлайдиган янгн аварня радностанцняснни яратдилар. Бу радностанцнялар автомобиль йўлларн атрофнга ўрнатнлади ва у танг аҳволга тушиб қолган ҳар қандай шоферга ёрдам беради, аварня хизматнни, «тез ёрдам», полнцня машннасинн чақнради. Сигналларнн қабул қнладнган навбатчнннг пультнда чақнраётган станцня қаерда жойлашганнни билдирувчн номернинг чироғи автомат равншда ёнади.**


Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

8 ИЮНЬ, 1984 й.

## ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

## ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ



ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз, совхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок этади.

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошабинлар хизматида.

**«БЕГА» ресторани ишлайди.**

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлик учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

**Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган рус аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.**

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 123, 130, 132, 178-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

## МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА

М. РИДнинг «БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ» китоби учун

### АБОНЕМЕНТЛАР РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

**8 ва 15 июнда ҳар бир қабул пункти 50 тадан абонемент; 9, 10, 16 ва 17 июнь кунлари — ҳар бир қабул пункти 220 тадан абонемент беради.**

**Абонемент фақатгина бир йўла 10 килограммдан кам бўлмаган миқдорда макулатура топширгач берилади.**

Абонемент унда кўрсатилган китобни 20 килограмм макулатура топширилгач сотиб олишни гарантиялайди.

Маркалар учун макулатура қабул қилиш фақатгина абонемент кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

**Абонементларни реализация қилиш жума куни — соат 18.00 дан, шанба ва якшанба кунлари — соат 9.00 дан бошланади.**

Бошқа кунлари макулатура абонементларда маркаларнинг тўла наборда бўлиши учун қабул қилинади.

Макулатура ҳамда иккиламчи хом ашё учун харид нархлари 52-01 прейскурантига мувофиқ ҳақ тўлаб қабул қилинади: топширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, топширилган 1 килограмм ип-газлама, зиғир тола матоси ва бўз латта-путталар учун 16 тийин тўланади.

**Қабул пунктларининг иш режими қуйидагича: жума кундан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус 13.00 дан 14.00 гача, жума куни 11.00 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш куни — душанба.**

### АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Тўплам қилиб боғланган макулатурагина турларига кўра алоҳида қабул қилинади: газеталар, китоб-журналлар, рўзғор картони ва ўровлар қоғозлари гражданлардан уларнинг турар жойидан қатъий назар жонли навбат тартибида қабул қилинади.

### ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Абонементлар олиш учун қабул пунктларига актив равишда макулатура топшириш китоб савдоси тармоқларига адабиётларнинг тезроқ келиб етишига кўмаклашади.

Абонементлар олиш масалалари юзасидан маълумотлар олиш учун 48-04-93 телефони орқали мурожаат қилинсин.

**«ВТОРСИРЬЕ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.**

## ШАРИКЛИ РУЧКАДАН МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРГАЧА

**«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ МАГАЗИНИНИНГ КАНЦЕЛЯРИЯ МОЛЛАРИ БЎЛИМИДА**

**мактаб ўқувчисига ҳамиша керак бўладиган шарикли ручкадан тортиб микрокалькуляторгача бўлган барча зарур ўқув ашёлари сотилмоқда.**

**МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

«Болалар дунёси» — Октябрь бозори;

1 — Марказ-1 квартали, 4-уй;

2 — Марказ-2 квартали, 5-уй;

3 — Луначарское шоссеси, 76-уй;

4 — Фарҳод ярмаркаси;

5 — Сергели ярмаркаси;

6 — Большевик кўчаси, 6-«а» уй.

**БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-43).**




## КЎРКАМ ШЛЯПА СИЗГА ЯРАШАДИ



Ёркин рангли тасма ёки гуллар букети билан безатилган енгил, нафис шляпа сизнинг ёзги либосингизни янада мукаммал қилади.

Саратоннинг жазирама кунларида кенг қилиб тикилган шляпа қуёшнинг куйдирувчи нуридан яхши ҳимоя қилади.

СИЗ ТОШКЕНТДАГИ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ВА ШАҲАРНИНГ БОШҚА МАГАЗИНЛАРИДАН ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ БОШ КИЙИМЛАР ФАБРИКАСИДА МОНОВОЛОКНО ЁКИ СУНЪИЙ ГУЛЛИ ШОЙИДАН ТИКИЛГАН ЁЗЛИК ШЛЯПАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

**Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик-технология бюроси (телефон 41-54-21).**

## САРАТОН ЖАЗИРАМАСИ ПИСАНД ЭМАС

**Агарда сиз кондиционер сотиб олиб квартирангизга ўрнатсангиз ҳатто саратоннинг энг жазирамали кунларида ҳам ёқимли салқин ҳаводан баҳраманд бўласиз.**

**КОНДИЦИОНЕР ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ҚОДИР?**

— квартирадаги ҳаво ҳароратини 5—10 даража пасайтиради;

— белгиланган температура таркибини автоматик тарзда сақлаб туради;

— ҳаводаги ортиқча намни бартараф этади;

— ҳавони чангдан тозалайди.

**«БК-1500» ва «БК-2500» кондиционерлари шовқинсиз ишлайди. Дераза дарчасига ўрнатилиши туфайли квартиранинг умумий кўринишини бузиб қўймайди.**

**«БК-1500» баҳоси — 325 сўм.**

**«БК-2500» баҳоси — 375 сўм.**

**Марказий универсал магазинида кондиционерларни нақд пулга ва электр маиший молларн павильонларида кредитга сотиб олиш мумкин** (12 терак кўчаси).




ЦУМ (телефон 33-54-50).

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)**

## ТУРИЗМ-84

ТУРИСТ

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

### «СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**«ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ» теплоходида ВОЛГА ДАРЕСИ БЎЙЛАБ** (Ленинград-Астрахань-Ленинград) — **12 июнь, 5, 20 сентябрдан 21 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 470 сўм, 445 сўм, 415 сўм, 355 сўм.**

**«БАШКИРИЯ» теплоходида ҚОРА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ 20 июндан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 272 сўм, 295 сўм, 306 сўм.**

**Путёвка баҳоси каюта классига боғлиқ.**

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ДАМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРНИ

### ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**ЛЕНИНГРАД атрофида жойлашган ПОДДУБСКАЯ туристик базасига — 12, 22 октябрь, 1, 11 декабрдан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 53 сўм.**

**РЕПИНОГА — 10, 20 декабрдан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 62 сўм.**

**ЛЕНИНГРАД—«ЕНИСЕЙ» ВА «ГАВАНЬ» туристик меҳмонхонаси — 8, 27 октябрь, 3, 9, 18 ноябрь, 2, 10, 19, 21, 24 декабрдан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 40 сўм ва 64 сўм.**

**МОСКВА—ИЗМАЙЛОВОГА — 1, 11, 23 сентябрь, 2, 21 октябрь, 2, 22 ноябрь, 11, 21, 27, 28, 29, 31 декабрдан 6—12 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 72 сўм, 142 сўм ва 284 сўм (оилаликлар учун).**

**Киев—«Дружба» туристик меҳмонхонаси—22 сентябрь, 12 октябрь, 2 декабрдан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 66 сўм.**

**ЗАКАРПАТЬЕ—ЛЬВОВГА — 14 декабрдан 20 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 108 сўм.**

**ЗАРАСАЙ** (Болтиқ бўйида) **— 23 сентябрь, 3 октябрдан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 88 сўм.**

**ИССИҚКЎЛГА — 30 августдан 10 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 42 сўм.**

**ДАГОМИСГА** (Қора денгиз) **— 25 сентябрдан 20 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 85 сўм.**

**СОЧИГА — 11 октябрдан 20 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 85 сўм.**

**ГЕЛЕНЖИКГА — 10 октябрдан 20 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 182 сўм.**

**ЕЙСКГА — 21 сентябрдан 20 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 255 сўм** (оилаликлар учун).

**НАЛЬЧИК—КАСПИЙГА — 2 сентябрдан 20 кунга.**

**Путёвка баҳоси — 128 сўм.**

**Путёвка баҳосига овқатланиш, яшаш ва экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Марказ-13, 35-уй. («Ленинград» меҳмонхонаси ёнида). Телефон 41-80-16.

**Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги**

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

**1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:**

**8—10 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:**

саноат корхоналарида электр ускуналарини ўрнатиш, совутиш компрессор машиналари ва ускуналар, электрон-ҳисоблаш машиналари асбоблари ва қурилмалари, автоматик ва назорат системаларини монтаж қилиш ва созлаш, ҳисоблаш ва аналитик-ҳисоблаш машиналарини ишлатиш ва ремонт қилиш, электр асбобсозлиги, ташкилий-техника воситалари.

**АРИЗАЛАР 8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАРДАН 31 ИЮЛГАЧА, 10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАРДАН 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**КЕЧКИ БЎЛИМГА:**

10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

саноат корхоналарида электр ускуналарини ўрнатиш, совутиш-компрессор машиналари ва ускуналар, кабель ва симлар ишлаб чиқариш, металларни кесиб ишлаш, электр асбобсозлиги, автоматик ва назорат системаларини монтаж қилиш ва созлаш, электрон-ҳисоблаш машиналари, асбоблари ва қурилмалари.

**АРИЗАЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: кундузги бўлим учун 1 августдан 21 августгача; кечки бўлим учун 20 августгача; сиртқи бўлим учун 10 июндан 20 августгача;**

**10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН: она тили ва адабиётдан** (ишш), **математикадан** (оғзаки).

**8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН: она тили** (диктант), **математикадан** (оғзаки).

**ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

**Техникум адреси:** 700041, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Бабушкин кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 62-56-27, 62-15-71).

## ТВ

### ЖУМА

8 ИЮНЬ

● МТ I

17.40—18.05 «Биргаликда аҳил оиламиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Фан ва турмуш».
20.05 Арфа квартети чалади.
20.25 «Касби—терговчи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Касби—терговчи». 4-серия. 2-қисм.
22.55 «Сибирь гулдастаси». Телефильм.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Планета тароналари». Мусикали кўрсатув.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Иттифоқчилар». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 Халқ куйлари.
19.30—20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.50 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 Совет қўшиқларидан концерт.
23.25 «Студентларнинг ўз планетаси бор». Телефильм премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Болалар учун концерт.
19.00 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тушларимга ҳам Белоруссия киради» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Халқ чолғу оркестрининг концерти. Программада Д. Зокиров асарлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ноз-неъмат бунёдкори».
22.20 «Дунё воқеалари».
22.50 «Қизил олма». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 Пушкинхонлик. «Шеъриятга бағишланган қалб».
19.30 «Абитуриент-84». Абу Райхон Беруний номли Тошкент политехника институти.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Маҳоратга йўл» (рус.).
20.50 Енгил саноат ходимлари кунига. «Муваффақият формуласи». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
21.30 МТ II

### ШАНБА

9 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Спортлото»нинг 23-тиражи.
9.50 «АБВГДЕйка».
10.20 «Касби—терговчи». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 1- ва 2-қисмлар.
12.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.45 «Москвичка» телеклуби.
14.05 «Ёдингдами, ўртоқ...»
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.50 Халқаро конкурс лауреати Е. Школьникова куйлайди.
16.05 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
16.35 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ Телевизион конкурси.
17.25 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
17.55 Мультфильмлар.
18.25 «СССР халқ артисти Б. Ливанов». Телефильм премьераси.
19.25 «Ҳайвонот оламида».
20.25 «Похол шляпа». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Похол шляпа». 2-серия.
23.10 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Енгил саноат ходимлари кунига. Телефильмлар.
10.10 «Тонгги почта».
10.40 ГОРЬКИЙ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.35—12.10 Скрипкачи Г. Шеринг чалади (Мексика).
12.40 Д. Кабалевский асарларидан концерт.
13.55 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
14.25 Ҳужжатли экран.
15.25 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. Ярим финал. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
15.55 Болалар учун фильм. «Унн афти-башарасига қаранг». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серияллар.
17.40 «Дунёнинг боғлари ва хиёбонлари». Ҳужжатли фильм.
18.10 «...ва шунингдек цирк ҳам». Фильм-концерт.
18.55 «ЖАСОРАТ АДРЕСИ: ГАЗЛИ». «КОЛЛЕКТИВ НИМАГА ҚОДИР» ТУКУМИДАН. КЎРСАТУВДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ ИШТИРОК ЭТАДИ.
19.45 «Музикали киоск».
20.15—20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Буюк кашфиётлар изидан» туркумидан кўрсатув.
23.00 СССРда II халқаро музика фестивалининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси тащкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани».
11.10 «Халқ ижодиёти». «Умир Бахши Сафар ўғли». Туғилган кунининг 90 йиллигига.
12.10 «Оқ Бим, Қора қулоқ». Бадиий фильм. 1-серия.
13.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница—84».
14.15 «Шахмат мактаби».
14.45 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». Сурхондарё область, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қурбонов ҳақида телеочерк.
15.00 «Замондаш». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун (қозоқ тилида).
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун. «Сингалчалари».
18.40 «Футбол чорраҳаларида».
19.05 «Социалистик экономика бошқаришнинг такомиллаштириш (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус).
19.45 Телевизион мюзик-холл театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номли Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Спорт эмблемасига—даннят» (такрорий).
22.35 Осиё, Африка ва Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент фестивали қатнашчилари меҳмонлари учун концерт. В. И. Ленин номидаги Халқлари дўстлиги саройидан трансляция. Кечада ўзаро ўзбек олингани (23 минут) кўрсатув такрорланади.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● 18.05—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.


**театр**

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ТЕАТРИДА — 8/VI э... **Кихот**, 9/VI да Хорез... **билим юрти** Ўқувчи... **концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ТЕАТРИДА — 8/VI да... 9/VI да **Келинлар** кўни...

**цирк**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ... КИДА — «Суда ҳуро... **ква цирки** артистл... **хайрлашув гастролл...** да).

**кино**

8 ИЮНДА

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛ...**

«ТИРИКЛАЙИН ... ОЛИШ БУЮРИЛАД... **Чайка** (жуфт соатлар... фон 77-06-20), **Ко...** (жуфт ва тоқ соатлар... фон 35-24-92), **Тинчлик** ... соатларда, телефон 56-...

«ХАТОЛАРДАН ... ЎТМИШ» — **Дружба** ... ва тоқ соатларда, ... 66-15-75).

«САЛАМАНДРА» ... (21.40, телефон 32-76-...

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ... **Искра** (жуфт соатлар... фон 39-14-59), **М. Ш... номли** (телефон 42-39-...

«АВИАЦИЯ ХАЛ... ХАЗИНАСИ ТОМОН... (жуфт соатларда), **... Советининг 50 йиллиги...** (жуфт соатларда, ... 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — **... номли** (11, 14, 17, ... телефон 96-34-02), **Восто...** 13.30, 16, 18.30, 21.0... фон 91-14-61).

«ДОВОНДА ОТЛ... — **Нукус** (тоқ соатлар... фон 46-70-69).

9 ИЮНДА

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛ...**

«ТИРИКЛАЙИН ... ОЛИШ БУЮРИЛАД... **Чайка** (жуфт соатлар... фон 77-06-20), **Ко...** (жуфт ва тоқ соатлар... фон 35-24-92), **Тинчлик** ... соатларда, телефон 56-...

«ХАТОЛАРДАН ... ЎТМИШ» — **Дружба** ... ва тоқ соатларда, ... 66-15-75).

«САЛАМАНДРА» ... (21.40, телефон 32-76-...

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ... **Искра** (жуфт соатлар... фон 39-14-59), **М. Ш... номли** (телефон 42-39-...

«АВИАЦИЯ ХАЛ... ХАЗИНАСИ ТОМОН... (жуфт соатларда), **... Советининг 50 йиллиги...** (жуфт соатларда, ... 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — **... номли** (11, 14, 17, ... телефон 96-34-02), **Восто...** 13.30, 16, 18.30, 21.0... фон 91-14-61).

«ДОВОНДА ОТЛ... — **Нукус** (тоқ соатлар... фон 46-70-69).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗ... СТАДИОНИДА

10 ИЮНЬ СОАТ 18.00 Д...

СССР биринчилиги ў...

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Киев) командалари ўртасида

**ФУТБОЛ**

«ПАХТАКОР» стади... да олдиндан билет ... кассалари ишламоқда.

Коллектив бўлиб ... учун заявкалар қабул ... нади.

Тошкент Совет савдо ... никуми коллектив... касаба союз... раиси М. А. Тўлаганова...

Шарифа **ТЎЛАГАНОВА**нинг вафот этганлиги муноса... билан чуқур таъзия ... қилади.



4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

8 ИЮНЬ, 1984 й. Р—14053. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11